

МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 1/1 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
A. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:
Максет АЙЫМБЕТОВ
Нафмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхұжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӘЛЕҮОВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай Даулетяров
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕЙТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсor ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириўшилер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендіриў
Министрлігі, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жокарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қаравы менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм
хабар агентлиги тәрепинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гүйалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@mail.uz,
mugallim-pednauk@mail.uz
www.mugallim-uziksiz-bilim.uz

Журналга келген мақалаларға жоюшап қайтарылмайды, журналда жәрияланган мақалалардан алынған үзиндер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендіриү» журналынан алынды, дең көрсетилүү шарт. Журналга 5-6 бет колемндеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифттінде электрон версиясы менен бирге қабыл етіледи. Мақалада көлтирилген мәлімдемелер автор жүзуапкер.

МАЗМУНЫ

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Рахмонов А.Р. Оилада фарзанд тарбиясини йўлга қўйиш асосида миллий ватанпварлик туйгусини шакллантириш	4
Шерматов М.Н. Ўқитувчи педагогик маҳорати ва компетентлик	7
Якубова М.Ю. Умумталим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантириш	11
Байметов М.М. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари	14
Балтабоев С. А., Сатторов В.Н. Тарабалар мустақил ишлашини илмий ташкил килиш ...	18
Караев В.Ш., Маматкулова З.С. Ўқитувчиларнинг қасбий компетентлигини аниқлаш ва баҳолаш	21
Сайдолова М.Х. Инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитини - талабаларда умумкасбий билим ва кўнникмаларни ривожлантириш омили	25
Нурматов Ф.А. Таълимнинг мактаб тизимида валеологик тарбияни муаммолари	30
Турсунов А.Э. Ҳарбий таълим технологиясининг педагогик асослари	32
Халмухamedова М.А. Нақшбандия тариқати илмий мероси орқали талабаларнинг маънавиятини ошириш	36
Хамидов Ж.А. Ўқувчиларни креатив тадқиқотчилик ва қасбий кўнникмаларни танқидий фикрлаш орқали ривожлантириш	39
Чориев И.Р. Специфика процесса подготовки в современной системе повышения квалификации	44

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲЭМ РУЎХӢЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Анкабаев Р.Т., Ибрагимов Х.Х. Тўғарак машғулотларида халқ амалий безак санъати ривожининг педагогик муаммолари тарихидан	48
---	----

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Абдуллаева М.С. Ўқувчилар қасб – хунар кўнникмаларини ривожлантиришда робототехниканинг ўрни	52
Лухманов Д.Б. Баркамол авлод болалар мактабларида робототехника, меҳатроника, муҳандислик тўғаракларини кластер технологиялари асосида ташкил этиш	56

БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТҶАҲОН

Шермуҳамедов Р.С. “Баркамол авлод” болалар мактабларида тўғараклар фаолиятини ташкил этишининг инновацион технологиялари	62
Юсупбаева А.С. Бошлангич синф ўқувчиларини жисмоний ривожланишида харакатли ўйинларни ташкил этиш	67

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

Sultonov Z.S. Maktabda jismoniy tarbiya darslarini o'tkazish xususiyatlari	72
Абдулахатов А.Р., Нигматуллаева Д.Р. Голиб ва маглуб курашчилар мусобақа олди рухий ҳолати ва техник-тактик маҳорат даражасининг ўзаро алоқадорлиги	75
Абдулахатов А.Р., Қулбулов Ф.Н. Спорт умуминсоний қадрият ҳамда тарбия воситаси сифатида	80
Болтаев Ш.Э. Ёш волейболчиларни инновацион ёндашув асосида машгулот жараёнини ташкил этиш	87
Худойберганов Ж.С. Кураш миллий спорт турини янада оммалаштириш ва ривожлантириш	92
Жұмаев А.Т., Турдиеv F.A. Башлангич синф ўқувчиларida ҳаракатли ўйинларни кластер усулда олиб бориш	95
Зокиров У.М., Абдуна孜арова З.А. Актив ва пассив туризм турлари оркали ўқувчи ёшларнинг жисмоний фаoliyatlарини ривожлантириш	100
Зокиров У.М., Назаров Ф.И. Ёш волейболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш	103
Абдулахатов А.Р., Зулхайдаров Ж.А. Профессионал футболчиларни жисмоний тайёргарлиги бўйича моделлаштириши месъёрлари	106
Одилов О.Н. Жисмоний тарбия таълими жараёнинда талабаларда экологик маданиятини ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият	110
Султонов А.И. Йиллик тайёргарлик циклида эркин курашчиларни машгулот жараёнини ташкил этиш	114
Умаралиева Д.У., Тошқувватов О.А. Умумий ўрта таълим мактабининиг 7-8 синф ўқувчиларини спорт ўйинлари оркали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш	118
Хабибуллаев С.Х., Джурабоеva D. Мини футбол бўйича мусобакаларни ўтказишида мусобақа коидаларининг аҳамияти	122
Шадиев А.Ё. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг тезкор-куч сифатларини амалиётта татбиқ этиш	125
Утепбергенов А.К., Шукурллаев Ж.М. Волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларida жисмоний сифатларни ривожлантириша ақмеологик ёндашув	128
Зуфаров Т.У. Организация и методы подвижных игр для физического развития детей дошкольного возраста	132
Маматкулов Р.С. Значение кластерного метода в развитии физического воспитания студентов с использованием легкоатлетических упражнений	136
Маматкулов Р.С. Значение спортивно-оздоровительного кластера в подготовительной части уроках гимнастики	140

бир сабоқ ёки ўрганиш вақти деб эмас, ижодий вазият деб қабул қилишга олиб келади.

Ўкувчи ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти мавълум вақт ичига изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш оркали шакллантирилади ва у аста- секин тақомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар кандай шахсда бўлгани каби ўкувчиларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун мактаб таълими жараёнида пойдевор қўйишни ташкил этиши ва изчил ривожлантириб бориш керак.

Хулоса қилиб шуни баён этиши мумкинки Бунда ўкувчининг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Ўкувчиларда ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, мустақил ижод маҳсулотларини яратишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Адабиётлар:

1. Torrance, E.P. Torrance Tests of Creative Thinking. – Scholastic Testing Service, Inc.2004.
2. Yakubova M. (2020). Ta'lim-tarbiya jarayonida kreatif yondashuvning dolzarbligi va uning ahamiyati. Xalq ta'limi, 3(1),84-88. б.
3. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uzluksiz ta'lim ж. – Т: 2006. 6-сон. –102-б.
4. M. Y. Yakubova. Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute (ARES) VOLUME 1 ISSUE 3 ISSN:2181-1385 www.ares.uz 11.2020 й № 1057-1062.

РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада умумтаълим мактаблари ўкувчиларида креативликни шакллантиришининг йўналишлари, шунингдек шахсада креативлик қобилиятини ривожлантириш аҳамияти ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны направления формирования творческих способностей у школьников средней школы, а также важность развития творческих способностей у личности.

SUMMARY

The article emphasizes that the formation of creative abilities in schoolchildren is one of the priorities, as well as the importance of developing creative qualities in a person.

ЎҚУВ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Байметов М.М.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Спорт ва чақириқчача ҳарбий таълим” факультети “Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси

Таяинч сўзлар: интеграция, тамойиллар, психологик хусусиятлар, дидактика, илмийлик тамойили.

Ключевые слова: интеграция, принципы, психологические свойства, дидактика, принцип научности.

Keywords: integration, principles, psychological properties, didactics, the principle of science.

Дидактик тамойиллар таълим жараёни қонуниятлари, мазмуни ва методларини белгилаб берувчи ўқитувчи принциплариридир. М.Н.Скаткиннинг таъкидлашича, ўқитиши тамойили ўқитувчи ва ўкувчининг бир мақсадга йўналтирилган хамкорлиги хамда шу хамкорлик натижасида кўзланган мақсадга эришиши-дир. Ўқитувчининг касб маҳорати, ўкувчининг ўрганувчан фаолиятини бир қолипга солиб, мақсадга эришишини таъминлай-диган қоидалар таълим жараёнида дидактик тамойиллар моҳияти-ни ташкил этади.

Ўкувчиларга турли касблар ҳақидаги маълумотларни биргина фан ўқитувчиси етказиб берса олмайди. Бу муаммони ҳал этишда барча фанлар ўқитувчилари биргаликда амалиётлар интеграцияни таъминлаган ҳолдагина муваффақиятга эришиш мумкин.

Амалиётлар интеграциясининг барча имкониятларидан дидактик тамойилларга таянган ҳолда амалий машғулотларни ташкил этиши ўқувчиларнинг назарий-амалий фаолиятларини ривожлантиришга хизмат қиласди. Умуман олганда дидактик тамойиллар амалий топширикларини бажариш, ўрганилаётган назарий ходисани тўлиқ тасаввур килиш имконини беради. Бу дидактик тамойиллар фанлар мазмуни ҳақида кўргазмали тасаввурни шакллантиришда асос ҳисобланади. Шу билан бирга, бу тасаввурлар ўрганилаётган вазият, унинг моделини ўрганиш давомида юзага келадиган тасаввурдир.

Хулоса қилиб этганда дидактик тамойилларга таянган ҳолда амалиётлар интеграциясини таъминлаш лозим. Кўпчилик машғулотда ўқувчиларнинг ўзлари ҳаётий вазиятлар модельларини қуришади. Баъзи тушунчаларнинг мавхумлигини тушуниш учун уларда вазиятларни шакллантириш, модельларни яратиш бўйича кўнинма ва малакаларини максадга мувофиқ тарзда ривожлантириш зарур. Дидактик тамойиллар ўқувчиларда ўрганилаётган муаммонинг муҳим холатларини ажратиб олиш, мантиқий маълумотларни таҳлил қилиш, маҳсус фанларга хос атамаларни амалиётлар интеграцияси асосида ўзлаштириш, ходисанинг кизикарли жиҳатларини аник ифодалаш, уларнинг англаш имкониятларини кенгайтиради.

Адабиётлар:

1. Рахимов Б.Х., Мавлянов А., Чориев В., Абдалова С., Темирова Н. Педагогик технологиялар схемаларда / А.П. Парпиев тах. остида. -Т.: Фан ва технология, 2009. -123 б.
2. Мавлянов А., Абдалова С., Юсупова Л. Интерфаол усуллардан фойдала-ниб ўтиладиган машғулотларда таълим олувчиларнинг мустакил фикрларини ривожлантириш. -Т.: Фан ва технология, 2009. - 102 б.
3. Мавлянов.А, Абдалова.С, Юлдашев.Х.О, “Касб-хунар коллежларида ўкув амалиётини ташкил этиши методикаси”. Ўкув услубий кўлланмана. –Т: Фан ва технология, 2014. -162 б.
4. Мавлянов.А, Абдалова.С, Байметов.М.М, “Касб-хунар коллежларида ўкув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграцияси”. Услубий тавсиянома. –Т: Фан ва технология, 2014. - 115 бет.

РЕЗЮМЕ

Маколада ўкув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари, ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган кўнинмалар ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются дидактические принципы обеспечения интеграции учебной и производственной практики, навыки, которые необходимо приобрести ученикам.

SUMMARY

The bottom article discusses the didactic principles of ensuring the integration of educational and industrial practice, the skills that students need to acquire.

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАШИНИ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Балтаобоев С. А.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Спорт ва чақириқчача ҳарбий таълим” факультети “Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси

Сатторов В.Н.

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси

Таянч сүзлар: таълим соҳаси, билим, кўнкима, малака, ахборот манбалари, кун тартиби.

Ключевые слова: область образования, знания, навыки, квалификация, источники информации, повестка дня.

Key words: field of education, knowledge, skills, qualifications, sources of information, agenda.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва бажарилаётган ишлар бўлажак мутахассислар ўзлари учун зарур бўлган барча ахборот ва маълумотларни мустакил топиш ва йиғиш маҳоратини, уларни таҳдил эта олиш малакасини эгаллаган бўлишларини тақозо этмоқда. Бу эса бўлажак мутахассис, яъни бугунги талабадан мустакил ишлашини илмий асосда ташкил этишини талаб этади.

Талаба мустакил ишининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустакил тарзда пухта ўзлаштириш кўнкималарига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топиш, кулай усуслари ва воситаларини аниклаш;
- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий хужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- интернет тармогидан мақсадли фойдаланиш, берилган топшириқнинг рационал ечимини белгилаш;
- маълумотлар базасини таҳдил этиш;
- иш натижаларини экспртизага тайёрлаш ва экспрт хulosаси асосида қайта ишлаш, топширикларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиха ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш .

Ҳар бир талаба мустакил таълим олишга интилар экан, бу жараён талабадан маълум бир қоидаларга риоя қилишни талаб этади. Бу жараён тизимли равища, илмий асосда ташкил этилса, талаба ўз кўзлаган мақсадига эришади, яъни чукур ва мустаҳкам билим олади, зарур кўнкимларини шакллантиради ва муҳими ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлиши имкони ҳам яратилади.

Мустакил ишлар ҳар бир талабадан маълум бир тизимга риоя қилишни, тиришқокликни, мақсад сари интилишини талаб этади. Шунинг учун ҳам кўпчилик талабаларда олий ўқув юритидаги кундалик хаётни тўғри ташкил қилиш муамmosи пайдо бўлади. Баъзи талабалар, хусусан, биринчи курс талабалари ўрганилаётган материалларни старли ўзлаштириб олиш учун вақт этишмаслигидан, юкламалар кўплиги учун кам дам олаётганликларидан шикоят қиласди. Бундай вазият ўз вақтини тўғри тақсимлай олмаган, ҳар бир дақиқасининг қадрига етмаган талабалардагина содир бўлади. Шунга кўра, мустакил ишлашда кун тартибига қатъий риоя қилган ҳолда иш бошлиш тўғри ва мақсадга мувофиқдир. Кун тартибини мақсадга мувофиқ тарзда тузиш учун қўйидагича иш юритиш керак:

Талабаларнинг мустакил ишларини амалга оширишга йўналтириш ва уларни тайёрланишининг ижтимоий ва профессионал контекстларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш амалий аҳамиятга эга. Талабаларнинг мустакил изланишлари даражасини психологик диагностика қилишининг мазмуни, тузилиши ва ташкил этилишига ёндашувни олий таълим муассасасининг амалиётига татбиқ этишини катта аҳамиятга эга. Бу эса ички тартибни таълим мусассасаларида замонавий мутахассиснинг ўзига хос хусусиятларидан бирининг шаклланшишини доимий назорат қилиш, шунингдек, кўп босқичли ОТМ тайёргарлик жараёнини оптималлаштириш, унинг муаммоларини тезкор аниклаш ва инқироз босқичларини ўз вақтида самарали тузатиш имконини беради [2].

Бир суткани бир қанча зарурий улушларга бўлиши керак: бунга ишлаш, овқатланиш, бадан тарбияси, дам олиш, хордик чиқариш, хўжалик ишлари ва шу кабилар киради.

Кун тартибини тузишда ухлаш (суткасига 7-8 соат), мунтазам овқатланиш (уч-тўрт марта), дам олиш (фаол ва суст) учун етарли вақт ажратиш зарур. Саломатликни яхшилаб бориш максадида ҳар куни жисмоний машклар ва бадан тарбиясига риоя қилиб, организмни чиниқтириш учун ҳам вақт ажратиш тавсия этилади. Кўпчилик талабалар ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериб юборишлари натижасида маълум зўрикишларга учраши мумкин.

Маълумотлар шуну кўрсатадики эргалаб нонушта қилмай келган талабалар кўп хатоликларга йўл кўядилар, тўйиб ухламаган талабаларда тезкорлик этишмаслигини кузатишимиш мумкин. Агар мияга дам берилмай, юклама билан ишлайверилса, асаб хужайраларига ва бутун асаб тизимиға зўриқиши бўлиши мумкин. Бундай шароитларда ҳар қандай иш фаолияти тўхталиб дам олиш максадга мувофиқдир. Театр, кино, шеърхонлик, китоб мутааолоси, истироҳат боғларидаги сайд қилиш, табият манзараларидан баҳра олиш, сайдларда бўлиши – буларнинг ҳаммаси унумли меҳнат қилишда ажойиб ёрдам берувчи омиллардир. Бинобарин, ана шу хужжатлар билан танишиш мустакил ишлашни ташкил этишининг асоси ва биринчи шартидир. Бу хужжатларни ўрганиб чиққач, биринчидан галда овқатланиш ва ухлаш вақтини белгилаб олиш зарур. Олий ўкув юрти талабалари 7-8 соат ухлаши, уларнинг фаолияти давомида етарли дараҷада ишлашлари учун кифоя қиласди. Ухлайдиган хонанинг ҳавоси ҳамма вақт тоза бўлиши лозим. Овқатланишда ҳам маълум бир тартибга риоя қилиш лозим. Ақлий меҳнат билан банд бўлинганда овқатга тухум, пишлоқ, қанд, сут ва таркибида фосфор моддаси бўлган бошқа озик-овқат маҳсулотларини кўпайтирган маъкул. Кунига тўрт марта овқатланганда умумий мезоннинг 25-30 фойзи нонушта, 10-15 фойзи чоштоҳда, 40-50 фойзи тушликда ва 15-20 фойзи кечки овқат пайтида истеммол қилган маъкул.

Ҳар бир талаба ўзининг иш режасига эга бўлиши керак. Шахсий иш режаси юкорида қайд қилиб ўтилган шартларни инобатга олган ҳолда, берилган топшириклар аникланади. Ўқув жадвалида белгиланган топшириклар, кисқача маъруза, тажриба ишлари, назорат топшириклари, оммавий тадбирлар, мусобақалар, бадий кечалар, спорт мусобақалари каби тадбирларнинг муддатлари ҳисобга олинади.

Кун тартибини тузишда мустакил ишлаш учун белгиланган соатларда бошқа ишлар билан банд бўлиб уни бекорга ўтказмаслик кераклигини, ҳар 40-50 минутдан сўнг 10 минут ҳордик чиқариш, 2,5-3 соатлик машғулотдан сўнг эса, гарчи чарчамаган бўлса ҳам, ярим соат дам олиш зарурлигини эътиборга олиш керак.

Мустакил ишлашни оз-оздан бошлаб, мунтазам равишда кўпайтириб бориш лозим. Маълум бир меъёрда иш бажариш одамини чарчатмайди ва фаолиятнинг турғунлигини таъминлайди. Режалаштирилган ва амалга ошириш ўйларини туза-тиш ташкилотчилик кобилиятини уйғотади, ирода, сабот-матонат, ижодий тафаккурлаш, мустакиллик каби фазилатларни түғдиради.

Шундай қилиб, мустакил ишлашни намунали ташкил қилиш кўп илмий назарий материалларни ўзлаштириш, билимдон бўлиш ва етук мутахассис бўлиб этишиш учун замин ҳозирлайди.

Вақтни тўғри тақсимлаш ва мустакил ишлашни оқилона ташкил этиш, мустакил ишлашнинг форма ва методларини аниқлаб олиш муҳим ахамият касб этади. У ёки бу фанлардан уйга берилган вазифаларни бажариш мустакил ишнинг оддий шакли ҳисобланади. Мураккаб шаклига эса ўтилган дарслар - маърузалар ва амалий машғулотлар, семинар ва лабораториялар, бўлимлар юзасидан адабиётларни

мустақил равиша таҳлилий ўрганиб чиқиш, айрим саволларга аник жавоблар топиш билан боғлиқдир. Манбаларни мустақил ўкиш йўли билан қуилган саволларга бир неча адабиётлардан умумлаштириб, жавоб топишга ўргатиб бориш яхши натижалар беради [3].

Юкоридагиларни инобатга олган ҳолда мустақил таълим олишнинг қуидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Маъруза тинглаш ва қайд қилиш
2. Амалий ишларни бажариш
3. Машқлар бажариш
4. Ўкув адабиётлари билан ишлаш
5. Назорат ишларига тайёрланиш
6. Мустақил ишлар асосида талабалар билимини текшириш
7. Чизмалар ва схемаларни ўкиш, тузишни ўрганиш
8. Техникик моделлаштириш ва лойиҳалаш
9. Маъруза тайёрлаш
10. Техник ижодкорлик
11. Мустақил таълим олишда масофавий таълим тизимидан фойдаланиш
12. Дарс таҳлили

Фикримиз сўнгига талабалар мустақил таълимини илмий асосда ташкил этиш уларда билимларни пухта ўзлаштириши, амалий қўнікма ва малакаларни шаклланниши, шунингдек, келажакда маҳоратли мутахассис бўлиб етишишлари имконини беришини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Адабиётлар:

1. Касб таълими ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш (методик тавсиянома).
Т.: ТДПУ, 2006й.

2. Andreeva, O.S., Selivanova, O.A., Vasilieva, I.V. A comprehensive diagnosis of components of pedagogical students' research competency Volume 21, Issue 1, 2019, Pages 37-58

3. Муслимов Н.А. Бўлајак касб таълими ўқитувчини касбий шакллантириш. – Т.: Фан, 2004 й.

РЕЗЮМЕ

Маколада талабалар мустақил ишларини илмий асосда ташкил этиш масалалари мухокама этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается, как организовать студенческую независимую работу на научной основе.

SUMMARY

The article discusses how to organize student independent work on a scientific basis.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ

Караев В.Ш.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Спорт ва чақириқчача ҳарбий таълим” факультети “Жисмоний маданият” кафедраси ўқитувчisi

Маматқуловая З.С.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Спорт ва чақириқчача ҳарбий таълим” факультети “Хотин қизлар спорти” 3-босқич талабаси

Таяинч сўзлар: касбий компетентлик, стандарт профессионал хулқ-атвор, контекс, стратегия, умумий компетент, ихтиослашган компетенция.